

Каракалпакстан Республикасы
«KK AUDIT-ERVIS» жууапкершилиги
шекленген жәмийет туриндеги
аудиторлық шолкеми



Коракалпогистон Республикаси
«KK AUDIT-ERVIS» маъсуллияти
чекланган жамият шаклидаги
аудиторлик ташкилоти

Нокис каласы, А. Темур кошеси, 120
Тел:факс (+61)222-78-03, (+99893) 920-75-71

Нукус шахри, А. Темур кучаси, 120

“Тахиатош дон махсулотлари” АЖга
КР Тахиатош тумани, Амударя кучаси №5 уй

Мустақил аудиторлик хulosаси

Биз “Тахиатош дон махсулотлари” АЖга 2022 йил 31-декабрь ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва заарлар тўғрисида ҳисоботи, ҳусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботи, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиёсати ахамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изохловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар “Тахиатош дон махсулотлари” АЖнинг 2022 йил 31-декабрга бўлган молиявий ҳолати, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) га мувоқиф аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хulosасининг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўрини деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисббот учун раҳбарият ва бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги.

Раҳбарият молиявий ҳисбботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, МҲҲС га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузуб кўрсатилган молиявий ҳисбботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисбботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган аҳборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисббот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тутагиши, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисбботларини тайёрлашни назорат килиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисббот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги.

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисбботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан холи эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик хulosасида акс эттириш. Ақлли ишонч ишончнинг юкори даражаси бўлиб, АХС ларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузуб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузуб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисбботдан фойдаланувчилар иктисадий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, илова қилинган молиявий ҳисбботлар 2022 йилнинг 31-декабрь ҳолатига кура халқаро аудит стандартларига мувофиқ барча муҳим жиҳатлари адолатли тақдим этилган.

«KK AUDIT-SERVIS» ЖИҦЖ
аудиторлық шолкем директоры:

Е.Утепбергенов

15.03.2023 йил. Нукус шахри

